

## Талабалар спорт ҳафталиги

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 июндаги “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3031-сон қарори ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2017 йил 6 июндаги 376-сон буйруғида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида 2018 йил 1 майдан бошлаб Тошкент шаҳар бўйича ОТМ лари иқтидорли талаба-ёшлари ўртасида “Талабалар спорт ҳафталиги” спорт мусобақаларини ўтказиш режалаштирилган. Мазкур спорт мусобақаларда ТИҚХММИнинг иқтидорли талаба-ёшлари спортнинг енгил атлетика, волейбол, баскетбол, мини-футбол ҳамда гандбол спорт турлари бўйича муносиб фаол иштирок этиб, фахрли ўринларни қўлга киритишдилар.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА бўйича 2-4 май кунлари Тошкент тиббиёт академияси спорт мажмуасида бўлиб ўтди. Жами 14та ОТМ лари терма жамоалари куч синашишди. Тошкент шаҳар биринчилигида терма жамоамиздан ҚСХЭА факультети 2/11 гуруҳ талабаси Джуракулов Шухрат. 100м қисқа масофага югуриш бўйича 11,63 с натижа кўрсатиб фахрли 2-ўринни эгаллади. ҚСХЭА факультети 2/11 гуруҳ талабаси Джуракулов Ш., ГИМ факультети 1-курс талабалари Олимжонов К., Сулаймонов Ш., Қурбоналиев Д. лар 4x100 м эстафета югуриш бўйича 48 с натижа кўрсатиб фахрли 1-ўринни қўлга киритишди.



ВОЛЕЙБОЛ бўйича 4-8 май кунлари Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети спорт мажмуасида бўлиб ўтди. Жами 20та ОТМ лари терма жамоалари куч синашишди. Мазкур мусобақани ярим финал босқичида ЎзДЖТУ терма жамоаси билан куч синашиб “Ирригатор”терма жамоамиз фахрли 3-ўринни қўлга киритишди.



БАСКЕТБОЛ бўйича 4-8 май кунлари Тошкент давлат техника университети спорт мажмуасида бўлиб ўтди. Жами 18та ОТМ лари терма жамоалари куч синашишди. Мазкур мусобақани финал босқичида И.М.Губкина номидаги РДУ филиали терма жамоаси билан куч синашиб “Ирригатор”терма жамоамиз фахрли 2-ўринни қўлга киритишди.



2018 йил 11-12 май кунлари ТИҚХММИ ҳамда ТМИ талаба-ёшлари ўртасида “ 9 Май – муқаддас Хотира ва буюк Ғалаба ” кунига бағишлаб ўтказилган Миллий кураш спорт мусобақаси ТИҚХММИ спорт мажмуасида ўтказилди. Ушбу мусобақада 6 та вазн бўйича 30 дан ортиқ талаба спортчилар фаол иштирок этишди. Мусобақа кўтаринки руҳда қизиқарли бўлди. Мусобақа жараёнда жароҳат олганлар йўқ. Мазкур мусобақа натижасига кўра ғолиб палвонлар аниқланди. Совринли ўринни эгаллаган спортчи талабалар диплом ва эсталик совғалар билан тақдирландилар.

60 кг

1. Пирманов С. ГМ 3/15
2. Шониёзов Т. ГМ 1/5
3. Эгамбердиев Р. ҚСХЭА 2/7

81 кг

1. Валиев А. ҚСХЭА
2. Қаландаров Б. ТМИ
3. Мелиев А. ТМИ

66 кг

1. Сайфуллаев А. ЗУ 3/6
2. Хўжамқулов Д. ТМИ
3. Очилдиев Ф. ГМ 1/17

90 кг

1. Норқулов С. ТМИ
2. Хафизов Ш. ҚСХЭА 1/4
3. Қутлимуродов М. ҚХМ 2/1

73 кг

1. Ёмғиров Ш. ТМИ
2. Арибов С. ЗУ 1/2
3. Кенжаев Х. ҚХМ 2/2

+90 кг

1. Номозов Ш. ҚХМ 3/4
2. Қобилов У. ГМ 2/15
3. Шамсиддинов Қ. ТМИ



МИНИ-ФУТБОЛ бўйича 17-21 май кунлари Тошкент фармацевтика институти спорт мажмуасида бўлиб ўтди. Жами 19та ОТМ лари терма жамоалари куч синашишди. Мазкур мусобақани финал босқичида Низомий номидаги ТДПИ нинг терма жамоаси билан куч синашиб 2:1 ҳисобда “Ирригатор” терма жамоамиз фахрли 1-ўринни қўлга киритиб КУБОК ғолиби бўлди.



ГАНДБОЛ бўйича 21-22 май кунлари Ўзбекистон миллий университети спорт мажмуасида бўлиб ўтди. Жами 14та ОТМ лари терма жамоалари куч синашишди. Мазкур мусобақани финал босқичида ЎЗМУ нинг терма жамоаси билан куч синашиб “Ирригатор” терма жамоамиз фахрли 2-ўринни қўлга киритишди.



**“Жисмоний маданият ва спорт” кафедраси мудири М.Норқобилов ахбороти**